



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

crossref

научная электронная
библиотека
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИ 13

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джаконгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ 44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ 50

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ФАЙБУЛЛАЕВ Соҳибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ....	103
15. ОДИЛҶОРИЕВ Ҳожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Қаримбердиевна МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУХИМ ҚАДАМ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА.....	109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

16. РАХИМОВ Мирёкуб Акрамовиҷ COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИMLАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	117
---	-----

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

17. КАРИМОВ Ваҳобжон “ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ	123
18. ХАСАНОВ Шавкатбек Ҳайбатуллаевич СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ	130
19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

20. ХАМДАМОВА Фирюза Уразалиевна РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ	139
21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ	144
22. ИСОҚОВ Луқмонжон Ҳолбоевич МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ	153
23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович “ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ	167
25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ОДИЛҚОРИЕВ Ҳожимурод Тухтамурадович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,
юридик фанлар доктори, профессор

ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди
E-mail: shahnozee@gmail.com

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРӢ ҶИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ: ХОРИЖӢ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОДИЛҚОРИЕВ Х.Т., ГАНИБАЕВА Ш.К. МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРӢ ҶИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ: ХОРИЖӢ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 109–116.



4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада дунёда медиация институтининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, унинг Ўзбекистонда хуқуқий мустаҳкамланиши ва ҳал этишнинг муқобил усууллари механизмини яратиш масалалари кўриб чиқилган. Хорижӣ ва ички амалиётлар, низоларни ҳал этишнинг муқобил усули сифатида энг мақбул амалиётини хисобга олган ҳолда таҳлил қилиниб, бу соҳадаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган. Хорижӣ ва миллий тажрибанинг қиёсий таҳлили асосида низоларни муқобил ҳал этиш усууларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда уларни Ўзбекистоннинг давлат ва жамият амалиётида амалга ошириш истиқболлари ўрганилган.

Калит сўзлар: медиация, низо, низоларни муқобил ҳал этиш, Апелляция кенгаши, судгача қарор қабул қилиш, медиация тартиб-таомилари, медиатор, медиация тӯғрисидаги конун, адолат, воситачилик

АДИЛКАРИЕВ Ҳоджимурат Тухтамурадович

Заведующий кафедрой Центра повышении квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
Доктор юридических наук, профессор

ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна

Старший преподаватель Центра повышении квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук
E-mail: shahnozee@gmail.com

ВАЖНЫЕ ШАГИ ВНЕДРЕНИЯ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ: ЗАРУБЕЖНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются история становления и развития института медиации, её правового закрепления и создания механизма альтернативных способов разрешения в Узбекистане. Анализируется зарубежная и отечественная практика с учетом передового опыта как альтернативного способа урегулирования споров, приводятся доводы ученых специалистов. На основе сравнительного анализа зарубежного и национального опыта исследуются преимущества и анализируются недостатки применения альтернативных методов разрешения споров, а также перспективы ее внедрения в общественно-правовую практику Узбекистана.

Ключевые слова: медиация, спор, альтернативные способы разрешения споров, Апелляционный совет, внесудебное решение, медиативная процедура, медиатор, медиативное соглашение, правосудие, посредничество.

ADILKARIYEV Khodjimurat

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

GANIBAEVA Shahnoza

Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice
of the Republic of Uzbekistan, Candidate of legal sciences
E-mail: shahnozee@gmail.com

IMPORTANT STEPS IN IMPLEMENTING OF MEDIATION INSTITUTE: FOREIGN AND NATIONAL PRACTICE

ANNOTATION

The article explore of history formation and development of institution of mediation in the world, its legal consolidation and creation of mechanism for alternative methods of resolution in Uzbekistan. Analyzed foreign and national practices taking into account best practices as alternative method of dispute settlement, presented arguments of scientists in this field. Based on a comparative analysis are studied of foreign and national experience, advantages and disadvantages of alternative dispute resolution methods and prospects for their implementation in public legal practice of Uzbekistan.

Keywords: mediation, dispute, alternative dispute resolution, Appeals Board, out-of-court decision, mediation procedure, mediator, law in mediation, justice, conciliation.

Диалектик, қарама-қаршиликлар жамият ҳаётининг мунтазам ва абадий ҳамроҳидир, зеро, инсонлар ва ижтимоий гурухлар ўртасидаги ўзаро алоқа, тортишув ва кураш ҳар доим ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган [1, Б.78]. Қадимги даврлардан бери, эҳтимол, жамиятдаги низоларни ҳал қилишининг биринчи усули бугунги кунда биз “куч” деб атаётган воқелик бўлиб, унга кўра низо жисмоний, техник, ақлий, молиявий ёки бошқа устунликларга эга бўлган “кучли томон” фойдасига ҳал қилингани маълум [1, Б.79].

Бундай ёндашув, низолашаётган қарама-қарши томонларнинг камиди биттаси керакли натижага тезда эришишини таъминлашга кўмаклашарди. Шу билан бирга, можарони куч нуктаи назаридан ҳал қилиниши жамиятдаги нормал муносабатларни бузиб, (кескинлик ва яширин тўқнашувларни келтириб чиқаради), ғайриинсоний ва баъзида эса ноинсоф кураш усусларидан фойдаланишга шарт-шароит яратиши мумкин бўлади.

Асрлар мобайнида инсон ҳуқуқлари ва эркинларини таъминлашда давлат хокимиятига, унинг идоралари (жумладан, судлар)га устуворлик бериб келиниб, оқибатда низоли вазиятларни ҳал

қилишнинг юрисдикция усууларининг устунлиги қонуний тарзда мустаҳкамланишига [1, Б.13-14].

Бирок, бундай ҳимоя шаклларидан фойдаланишининг кўп асрлик тажрибаси, афсуски, уларга замонавий жамият эҳтиёжларини қондирадиган, юзага келадиган низоларни тез ва самарали ҳал қилиш механизмларини яратишга имкон бермади.

Маълумки, барча соҳалардаги ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солишининг иложи йўқ. Шу боис, ижтимоий ҳаётдаги келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш фақатгина давлат органлари ваколати доирасидагина чегараланиб қолиши мумкин эмас.

Жаҳон хуқуқни қўллаш амалиётида ярашув тамойилларига асосланган низоларнихуқуқий ҳал қилишнинг турли усууларидан, айниқса, фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг фойдаланиш зарурияти туғилмоқда [2, Б.10].

Можароларни ҳал қилиш суд суд жараёни аралашувисиз (расмий тартиб-таомилдан ташқари) “муқобил усуулар орқали низоларни ҳал этиш...”, чунки улар давлатнинг судловига муқобил механизмдир [2, Б.24].

Баъзи олимлар бу ерда биринчи жамят шаклланиш даврини эслашмоқда, бошқалари судгача бўлган тартибинингпайдо бўлишини ҳали милоддан аввалги V асрда яшаган Конфуций номи билан боғлашади. У низолашаётган томонларни судга мурожаат қилиши ўрнига, масалани тинчлик ўрнатувчи сулҳпарварнинг ёрдамидан фойдаланиб ҳал этишга чакиравди [1, Б.30].

Таъкидлаш жоизки, бундан уч минг йиллар мұқаддам битилган зардуштийликнинг «Авесто» китобида ҳам можаро ва ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилиш ҳақида маҳсус қоидалар назарда тутилган [3].

Медиациядан қадимги Греция ва Римда ҳам кенг фойдаланилган. Ушбу институт асосан савдо-сотик ва оиласи муносабатлар соҳасида кенг қўлланилган. Масалан, римликлар савдо соҳасида юзага келган низоларни айнан “медиатор”, яъни “воситачи” орқали ҳал қилишни афзал кўрганлар [3].

Ислом хуқуқида ҳам медиация одамлар учун ғоят керакли, муҳим хуқуқий восита сифатида ўз ифодаси ҳамда амалини топган. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»си шарҳларида медиациянинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади. Аллома ўз китобида ҳакамлик қилишга ризолик билдирган шахс қозиларга хос барча фазилатлар эгаси бўлиши лозим, деб ҳисоблади. Мабодо, икки одам бирорни ҳакамликка лойиқ кўриб, унинг чиқарган қароридан мамнунлик изхор этган экан, бу қарор шак-шубҳасиз ҳақиқийдир [3].

XIX аср бошларида Россия империяси таркибидаги Туркистон ўлқасида ҳам тижорат судларининг ҳисоботларида «медиатор» деган атама учрайди ҳамда савдо-сотик билан боғлиқ низоларни унинг иштирокида ҳал этиш фойдали экани таъкидланади [3]. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги медиаторларнинг иш усулига ўхшаб кетадиган усул ўша кезлари ҳам бўлган ва самара яхши берган. Демак, ушбу институт бизнинг диёримизда ҳам тарихан узоқ шаклланиш илдизларига эга.

Медиация ва низоларни ҳал этишнинг ярашувига асосланган усуулари дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида давлат томонидан тан олиниши, қўллаб-куvvatланиши ва кенг қўлланилишига қарамай, XX асрда ва собиқ Совет Иттифоқи худудида, шу жумладан Белорусь, Украина, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда, фақатгина сўнгги 20 йил ичida ривож топди [4, Б.5].

Ҳозирги замонда юридик доктринасида дунё миқёсида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуулари ҳам, суд тартибида ҳал этиш ҳам, вужудга келиши ва қўлланилиши билан белгиланадиган ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, медиация учинчи шахс иштирокида низо бўйича қарор қабул қилинишини ўз ичига олмайдиган воситачилигининг маҳсус шаклидир. Шунга кўра, медиаторнинг асосий вазифаси низолашаётган томонларга ўзаро мақбул ва манфаатли ечим топишида кўмаклашишдан иборатдир.

Умуман олганда, медиация жараёни турли мураккабликдаги муаммолар ва турли даражадаги низоларни ҳал этишда анча самарали восита сифатида эътироф этилади. Медиациянинг кўп шакллари ва моделлари мавжуд – лекин уларнинг ўзига хусусиятларидан қатъи назар, медиаторнинг бош вазифаси медиациянинг асосий тамойилларига содик қолиш ва изчил амалга оширишдан иборатдир.

Медиациянинг ҳозирги замонавий шакли XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ривожлана бошлади, десак муболага бўлмайди. Аввало, бу институт англосаксон хуқуқи мамлакатларида, шу жумладан, АҚШ, Австралия, Буюк Британия, сўнгра, аста-секинлик билан Европада тарқала

бошлади [5, Б.4-6]. Одатда, дастлабки уринишлар оилавий муносабатлар соҳасидаги низоларни ҳал қилишда медиациядан фойдаланишдан иборат бўлди. Кейинчалик медиация нафақат оилавий низоларда, балки савдо-сотиқ ва ижтимоий соҳадаги мураккаб кўп томонлама зиддиятларгача бўлган кенг доирадаги низоларни ҳал этишда муҳим ўрин тута бошлади [5, Б. 5].

Бу борадаги, жаҳон амалиёти юртимизда медиацияни хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига кўплаб намуналар берди. Жумладан, медиацияга оид қатор муҳим ҳужжатлар АҚШ, Австрия ва Германияда қабул қилинган. Турли мамлакатларда медиацияга таалуқли бой тўпланган бўлиб, у биз учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Масалан, АҚШни оладиган бўлсак, у ердабутун хуқуқ тизими аксарият низолар судгача иҳтиёрий ҳал этилишига қаратилган бўлиб, судья суд жараёнини тўхтатиб, томонларга медиатор билан ишлашни (тавсия қилади) маслаҳат беради. Ҳозирги кунда АҚШда иқтисодиёт, сиёсат ва бизнес соҳасида ҳеч бир муҳим масала жиддий музокараларсиз (медиациясиз) рўй бермайди. У ерда медиация жараёнларини ёритувчи журнал (Медиация бўйича ҳар чорақдаги журнал)лар чоп этилиши кенг йўлга қўйилган [6, Б.16]. Бундан ташқари, АҚШда медиациянинг янги усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Низоларни ҳал қилувчи миллӣй институт мавжуд бўлиб, медиациянинг хусусий ва давлат хизматлари ҳам амалда мувозий фаолият юритади. Бу борада Америка арбитраж ассоциацияси (American Arbitration Association) катта аҳамият касб этиб, ўзининг Ҳакамлик ишлари (арбитраж) ва медиация қоидаларини тасдиқлаб, ички низоларни кўриб чиқишида фаол кўллаб келади [6, Б.36].

Медиация тартиби Буюк Британияда ҳам жуда машҳур бўлиб, бу ерда ҳатто, мамлакатнинг ҳар қандай қисмиданқўнфироқ қилиш имкони бўлган маҳсус хизмат – ишонч телефонлари мавжуд. Ишонч кўнғироги орқали фуқаро можарони тасвирилаб, медиаторга нисбатан бўлган ҳоҳишини билдириши мумкин бўлиб, фуқаронинг талабига мос мутахассисларнингтўлиқ рўйхати таклиф килиниши назарда тутилган [7, Б.40].

Буюк Британия медиация соҳасида муросага бориб, низоларни ёки медиация, ёхуд суд тартибида ҳал этилишига йўл қўяди. Тарафлардан биронтаси суд томонидан таклиф этилган медиация тартибини рад этадиган бўлса, бироқ у ҳатто судда ютиб чиқса ҳам, у барча суд ҳаражатларини қоплашни ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Шунингдек, агар болалар иштироқидаги оилавий низолар бўйича мурожаат этилса, суд томонларни медиатор билан танишув учрашувига юбориб, бу ерда медиацияни қўлланилишига рағбат беради ва суд ўз ишида медиация хulosасини ҳам баҳолаши назарда тутилади (Mediation Information and Assessment Meeting, MIAM) [7, Б.45].

Германияда медиация адлия тизимига уйғун ҳолда бириқиб кетган. Мисол учун, медиаторлар бевосита судлар қошида ишлаб, суддадаъволар сонини сезиларли даражада камайишига кўмаклашади. Бугунги кунда, Германия судларида, медиация нафақат оилавий ишлар бўйича, балки умумий юрисдиксия ва маъмурий судларда ҳам интеграциялашган. Кўпчилик немис хуқуқ мактабларида, доимий медиация курси жорий этилган бўлиб, ҳар қандай юридик факультети битириувчиси медиация курсини ўтайди [7, Б.15].

Медиациянинг кенг тарқалинишига қарамасдан, “медиатор” касби ҳамма мамлакатларда ҳам алоҳида касб сифатида расмий эътирофга эга эмаслиги маълум. Унга кўпроқ асосий касбга қўшимча мутахассис сифатида қаралади. Масалан, Австрия, медиаторлик касбини касблар тизими (номенклатураси)га киритган дунёдаги саноқли мамлакатлардан бири саналади. Бундан ташқари, Австрия 2004 йил медиаторларни тайёрлаш ва маҳсус таълим стандартларини тартибга солувчи Медиация тўғрисидаги федерал Қонун қабул қилган ягона мамлакат ҳисобланади. Австрия қонунчилигидамавжуд суд жараёни билан боғлиқ медиация натижаси бўйича келишув суд томонидан тан олиниши, лекин шу вақтда, судгача бўлган медиация натижаси суд ҳимоясида бўлмаслиги назарда тутилган [8, Б.46].

Ҳиндистонда, бошқача, яъни медиация натижасида эришилган келишув қарори Ҳакамлик (арбитраж) қарорлари билан тенг кучга эга бўлиб, мазкур тартиб мавжуд суд жараёни доирасида бошланганми ёки йўқлигидан қатъи назар, эътироф этилади [8, Б.47].

Гонгконгда, медиация натижаси бўйича келишув Ҳиндистондаги каби ҳудди шундай таъсир кучига эга. Лекин, фақат томонлар ўртасида ҳакамлик судларида (арбитраж)да кўриш учун берилганлик тўғрисидаги келишув бўлсагина (бу ўз навбатида қўйидаги маънони англатади, яъни бундай шарт (изоҳ) бўлишига қарамай, томонлар маълум сабабларга кўра медиация тартибини танлаган бўлсалар, келишув натижаси тан олинади [8, Б.50].

Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, Хитойда низоларнинг таҳминан 30 фоизи судгача бўлган

тартибда ҳал қилинади. Бу мамлакатда, шунингдек, Венгрия ва Кореяда, агар томонлар медиация доирасида келишувга эришган ва ҳакамлик судлар (арбитраж)и томонидан кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда уни тасдиқлаган бўлсалар, бундай медиатив келишув ҳакамлик (арбитраж) суди қарори кучига эга бўлиб, тегишли тарзда ижроси таъминланади [8, Б.51]. Ушбу тартиб, келишув учун белгиланган тартибда, дўстона келишув учун назарда тутилган медиация натижалариiga асосланган келишув тасдиқланишини талаб қилмасдан, суд жараёнлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, медиатив келишувни давлат томонидан ижро этилиши ва уларнинг қонунийлиги устидан давлат назорати билан таъминлаш имконини беради.

Воситачилик, хусусан, медиация, ички низоларни ҳал этиш воситаси сифатида Японияда анъанавий тарзда кенг қўлланилмоқда. Япония бизнес ҳамжамиятининг низоларни ҳал қилишда муқобил усуллар орқали ҳал этиш талаби анъанавий ахлоқий томони, яъни низоларни ҳал қилиш усули сифатида давлат судини танлашга салбий муносабати билан боғлиқ [8, Б.60].

Шундай қилиб, медиация бўлган муносабат, қонунчилик ва ўтказиш тартиби дунё мамлакатларида турлича, муҳими эса, кўплаб мамлакатларда мавжуд медиация – низоларни муқобил равишда ҳал қилиниши мумкинлигидан далолат бериб, унга нисбатан ишонч ортишига сабаб бўлмоқда.

Туғри, ҳозирда медиация институтидан кенг фойдаланмаган ва унинг фаолиятини қонуний жиҳатдан тартибга солмаган давлатнинг ўзи қолмаган бўлмаса керак. Юқорида келтирилган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, низоларни судгача ҳал этиш, муқобил йўлларни излашда давлатлар турли ёндошув ва усуллардан фойдаланилганини ва у медиация институтини эндингина қўллаётган давлатлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиш бобида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ривожланаган мамлакатлар мазкур институтни сўнгги йигирма йил мобайнида қўллаётган бўлса, Собиқ иттифоқ мамлакатларида охирги ўн йилликда медиация институти ўз фаолиятини намоён этмоқда. Шу вақт мобайнида медиациянинг умумий масалалари, унинг афзаликлари, мақсад ва вазифалари бўйича ҳуқуқшунос олимлар **О.В. Аллахвердова, А.Д. Карпенко, А.А. Елисеева, С.А. Курочкина, В. В. Лисицына, Г. Пуна, А.А. Соловьевна, Ц.А. Шамликашвили, В.Ф. Яковlevа томонидан муайян тадқиқотлар амалга оширилган** [9, Б.3].

Ўзбекистонда эса медиация институти 2019 йил “Медиация тўғрисида”ги Қонун қучга кириши билан шаклана бошлади, мазкур қонуннинг мақсади ҳам низоларни ҳал этишнинг муқобил усуларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш билан биргаликда, суд тизимиға тушадиган иш ҳажмини камайтиришдан иборат. Маълумки, 2018 йил 3 июляда имзоланган “Медиация тўғрисида”ги Қонун 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан амал қила бошлади. Шу муносабат билан жамиятимиз ижтимоий онгига “медиация” воқелигининг, ушбу янги институтининг туб моҳиятини сингдириш, унинг аҳамиятини, қадр-қимматини ҳамда афзаликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, изоҳлаб бериш ўта долзарб масалага айланди.

Шунингдек, қонун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш пайтида, якка тарздаги меҳнат ҳамда оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда қўлланилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиласидиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди. Қонунга мувофиқ медиация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва teng ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилиши назарда тутилган.

Медиация институтини факатгина оилавий низоларни эмас, балки, бугунги кунда иқтисодий-молиявий жараёнлар, турли йўналишдаги ташқи ва халқаро зиддиятларни ҳал этишда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу жаҳон тажрибасининг охирги ютуклардан бири ҳисобланади. Шундай экан, Ўзбекистон шароитида ҳам бу институтдан фойдаланиш афзаликларини таъкидлаш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида сўнгги йилларда пайдо бўлган янги мавзулардан бири – медиация институти. Бир томонидан, дунё миқёсида кўплаб хорижий давлатлар амалиётида медиациянинг юқори самара билан қўлланилаётганлиги, иккинчи томондан, халқимизнинг тарихан шаклланган, бироқ ҳозирда анчайин унитилаёзган “муросаи мадора” деган қадрияти ҳамда анъаналарини қайта жонлантириш эҳтиёжи кун тартибига чиққанлигидадир. Шунга кўра, медиация институтининг назарий – ҳуқуқий асосларини, юридик ҳамда ижтимоий – маънавий табиатини, мазмунини, принципларини, структурасини, босқичларини, ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгиларини, таснифи (моделлари)ни комплекс мушоҳада этиш ҳам назарий,

ҳам амалий аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда медиацияга ўхшаш яраштирув процедуралари турли низоларни ҳал этишда қўлланиб келинади. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан низолашаётган тарафларни, хусусан, қўшнилар ўртасидаги низоларни, оилавий низолар тарафларини яраштириш фаолиятини ҳам медиациянинг бир шакли сифатида кўриш мумкин. Жамиятимизда аввалдан маҳалла раислари қўшнилар, оила аъзолари, эр-хотин ўртасидаги низоларни ҳал этиш вазифасини, яъни медиатор вазифасини бажариб келишган.

Яна бир муҳим жиҳат. Медиация тартиб-таомилларини амалга оширишда медиаторнинг холислиги таъминланиши ҳам низони ҳал қилиш жараёнига ўз ижобий таъсирини ўтказади. Қонунда медиация тартиб-таомилларини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмаслиги қатъий қўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилларини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган хукуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши кераклиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўқсунлик қиласидан ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилларини амалга оширишдан воз кечиши кераклиги кўзда тутилган [10].

Медиация жараёнида медиаторнинг роли алоҳида эканлигидан келиб чиқиб, медиатор фаолияти профессионал ёки нопрофессионал асосда амалга оширилиши мумкинлиги қўрсатиб ўтилган. Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўкув курсидан ўтган, шунингдек, Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкинлиги белгиланди. Нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин бўлади.

Мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичининг мақсади ҳам айнан медиаторлар иштирокида низоларни муқобил ҳал қилиш усусларининг ривожланишига хукукий шарт-шароитлар яратишга қаратилган, деб бемалол айта оламиз. Медиация вакт, маблағ ва энг асосийси — эмоционал ресурсларни тежашга имкон яратади.

Медиация жараёnlарининг тўғри ташкил этилиши тарафлар низолашибини тўхтатиб, якинлашиш жараёни томон йўналтиради, яъни ярашув битимини тузишга имкон яратади. Ушбу афзалликлар амалиётга медиация институтини киритиш, муқобил йўллар ёрдамида низоларни судгача ҳал қилиш тартибини кенг татбиқ қилиш вақти келди, деб ҳисоблашга асослар етарли эканлигини қўрсатади.

Ўз навбатида, “Медиация тўғрисида” ги Қонун кучга кириши билан низоларни судгача ҳал қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Жумладан, “Медиация тўғрисида” ги Қонун нормаларининг ишлашини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Иқтисодий-процессуал кодекси, Солиқ кодекси, “Ҳакамлик судлари тўғрисида” ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди. Шунингдек, вазирликлар ва идоралар томонидан идораларро алоқаларни ташкил этишда қўлланиладиган норматив-хукукий ва ички идоравий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш лозим. Айни пайтда, бу борадаги ишлар бўйича тегишли чоралар кўриш белгиланди. Медиация тушунчасининг мураккаблиги нимада? Биринчидан, уни қўллаш жабхаларининг кенглиги; иккинчидан, воситачиликнинг шакллари, турлари ва моделларининг хилма-хиллигидир.

Медиаторлик воситачилиги хизматлари қайси асосда амалга оширилишидан қатъи назар у профессионал талабларга жавоб бериши керак, шу сабабли унинг фаолияти самарали ҳисобланади, шу жумладан, медиатор ваколатли бўлиб воситачилик жараёнини яхши билишида, айниқса, ушбу фаолиятни профессионал даражада амалга ошириши талаб этилади.

Бироқ, бу ерда Флорида университети профессори Д.Питернинг сўзларига кўра, медиация хулқатвор қоидалари билан белгиланган музокаралар шакли, шунинг учун музокаралар низоларни ҳал қилиш ва хукукий муносабатларни ўрнатишнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Ушбу соҳада жуда муҳим элемент медиаторнинг иштироки бўлиб, унинг вазифаси медиация жараёнини бошқариш ва тарафларни қўллаб-куватлашдан иборат [11, Б.13].

Дарҳақиқат, Д.Питернинг сўзида жон борлиги сабаб, медиатор профессионал талабларга жавоб бериб, музокаралар олиш бориши кўнкимасига эга бўлмаса, тарафларнинг келишуви ва манфаатлари

аникланишини қийинлаштириши мумкин, деб ўйлаймиз.

Медиаторнинг фаолияти тўғридан тўғри сухбатлар, низолашаётган томонлар ўртасида музокарап олиб бориш ва унинг келишув битимини тузишда томонларга таъсир кўрсатишга шароит яратишдир. Бу борада медиаторнинг ҳиссасини аниклаган профессор С.Буринг Уле, медиаторнинг роли бетараф учинчи томон сифатида мажбурий бўлмаган аралашув бўлиб, шартнома жараёнида томонларга ёрдам беради, деб таъкидлайди [12, Б.34]. С.Буринг Уленинг медиаторнинг ролини аниқ-равshan кўрсатиб бергани дикқатга сазовор. Ушбу эътироф, бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз тасдиғини топган.

Медиаторларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, медиация пайтида ҳар қандай тортишув учун идеал ечим – бу ҳар бир томон ўзини голиб каби ҳис қиладиган, ҳамма нарсага эга бўлган ва ҳеч нарсага сарф-харажат қилмайдиган ўзаро манфаатли ечимни қабул қилишдир. Албатта, низоларни бундай ҳал қилиш амалда камдан кам учрайдиган ҳодисадир. Кўпинча медиация иккала томон учун ўзаро мақбул бўлган келишув (компромисс) билан яқунланади, яъни томонлар карорни онгли ва ихтиёрий равишида қабул қиладилар. Томонлар ўзларининг карорилари ушбу вазиятда энг мақбул ечим эканлигини англасалар, амалда, низо улар учун ўз аҳамиятини йўқотгандек бўлиб қолади.

Умуман, ҳар қандай низони судгача ҳал этилишида уни турли носудлов йўллар билан ҳал этиш муҳим ижобий омиллардан бири ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг инновацион тараққиётини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида низоларни судгача кўриб чиқишнинг самарали тизимини яратиш, бунда медиация ва ҳакамлик судларини фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган институтларга айлантириш ўта долзарб масала бўлиб турибди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 иондаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [13] айни муддао бўлди. Унинг асосий максади: - жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, бунда медиация институти, ҳакамлик судлари ва ҳалқаро арбитражларнинг ролини тубдан оширишдан иборат. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг асосий қоидаларини ҳаётга равон ҳамда самарали жорий этилишини таъминлаш учун профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази ҳамда нодавлат нотижорат ташкилот тарзида фаолият юритувчи Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази ташкил этилиши белгиланди. Ушбу марказларнинг зиммасига медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалшувига кўмаклашиш вазифаси юқлатилди. Бу Қарорнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу беш босқичли механизмни яратиш кўзда тутилгани муҳим аҳамият касб этади. Мазкур механизм жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги судгача ҳал қилиш бўйича Апелляция кенгашида мурожжатларни кўриб чиқиш билан бөғлиkdir. Бунда, биринчи босқичда жисмоний ва юридик шахс (мурожаат этувчи) тегишли низоли масалани Апелляция кенгашида кўриб чиқиш учун кенгаш тузилган давлат органига ёзма(электрон) тарзда мурожжат килади, иккинчи босқичда мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб, 1 (бир) кун ичида Апелляция кенгаши тузилган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринbosари томонидан мурожаат унинг муаллифини хабардор килган холда, кенгашда кўриб чиқиш учун юборилади. Учинчи босқичда эса, Апелляция кенгашига мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида, бир ойгача масалани ҳар томонлама ва пухта ўрганиб чиқади, ўз мажлислирида муҳокама қилиб, Апеляция кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тўртинчи босқичда 3 (уч) кун ичида Апелляция кенгаши хulosаси давлат органи ва бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади, ва ниҳоят бешинчи босқич, давлат органи келиб тушган Апелляция кенгаши хulosаси ва тегишли мурожаатни кўриб чиқиб, якуний қарорни қабул қилинади. Тўртинчи босқичда 3 (уч) кун ичида Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма (электрон) тарзда хабардор килади [13].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур тизим авваламбор, низоли-хукуқий масала соҳага масъуль бўлган ваколатли давлат органининг юқори инстанцияси томонидан якуний тарзда ҳал этишни ҳамда жисмоний ва юридик шахсларда низоли масалани ҳал этишда давлат божи, суд харажатлари, процессуал муддатлар, ижро ҳаракатлари ва муддатлари борасидаги муаммоларга барҳам берилиши назарда тутилган. Бироқ, бу масаланинг биринчи томони, назаримизда, давлат органи хузурида тузилган Апелляция кенгаши, мазкур масалага қандай ойдинлик киритиши, “илмий асосланган холда” бу ўз навбатида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлмасмикан, жисмоний ва юридик шахсларнинг

хуқуқ ва манфаатлари бузилмаслигига мазкур кенгаш шаффоғ тарзидаги ўтишига хуқуқий кафолатлар таъминланармикан?! Асл мақсад низонинг ечимини топишда-ку. Албатта, бу тизим ишга туширилгач, ўз фаолиятининг самарини кўрсата билса, дуруст бўлар. Эҳтимол, бу тизим муқобил равишида ўзига ҳос самарага эгадир, лекин медиация каби холис (нейтрал) бўла олармикан ва давлат органлари кўмагидан яратиладими ёки йўқлиги, буни вақт кўрсатиши тайин.

Шундай қилиб, давлат томонидан қабул қилинаётган қонуний имтиёз ва имкониятлар келиб чиқкан ҳар қандай низоларни ҳал этишда ва муаммоларни тезкор, камхарж, ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳал қилинишига хизмат қиласди.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Медиация в современном мире: проблемы и перспективы развития: Материалы Всероссийской научно-практической конференции. – Курск: Юго Западный государственный университет, 2019. (Mediation in the world: problems and prospects of development: Materials of Russian scientific and practical conference. Kursk: Southwestern state University, 2019)
2. Медиация: теория, практика, перспективы развития. Сб. материалов Первой всероссийской научно-практической конференции (23–24 апреля 2015 г., Москва) / Отв. ред. О. П. Вечерина. М.: ФГБУ «ФИМ», 2015. (Mediation: theory, practice, and development prospects. Digest of materials of Russian scientific and practical conference. (23-24th of April, 2015, Moscow) / Ed. by O. P. Vecherina, Moscow: FGBU “FIM”, 2015)
3. Р.Мадиева. Медиация жаҳон тажрибаси // URL: <https://manzur.uz/?p=490> (R.Madieva. World experience in mediation // URL: <https://manzur.uz/?p=490>)
4. Дементьев, О. М. Альтернативное разрешение споров: крат. аналит. очерк / О. М. Дементьев, Е. В. Тихонова. — Тамбов: Изд-во Р. В. Першина, 2010. (Dementyev, O. M. alternative dispute resolution: A brief analytical essay / O. M. Dementyev, E. V. Tikhonova. — Tambov: Publishing house of R. V. Pershina, 2010)
5. Теория и практика медиации (посредничества) в экономической сфере: учебно-методическое пособие /И. А. Бельская [и др.]; под ред. У. Хелльманна [и др.]. — Минск: Изд. центр БГУ, 2015. (Theory and practice of mediation (mediation) in the economic sphere: educational and methodological guide/I. A. Belskaya [and others.]; edited by W. Hellmann [and others]. — Minsk: BSU publishing center, 2015)
6. Базовый курс медиации: рефлексивные заметки. — Минск: Медисонт, 2011. (Basic mediation course: reflexive notes. — Minsk: Madison, 2011)
7. Альтернативное разрешение споров: учеб.-метод. комплекс / А. И. Зайцев [и др.]. — М.: Экзамен, 2007. (Alternative dispute resolution: educational and methodological complex / A. I. Zaitsev [and others]. — M.: Exam, 2007)
8. Калашникова, С. И. Медиация в сфере гражданской юрисдикции / С. И. Калашникова. — М.: Инфотропик Медиа, 2011.—(Сер. «Б-ка медиатора»; кн. 2). (Kalashnikova, S. I. Mediation in civil jurisdiction / S. I. Kalashnikova. — Moscow: Infotropik Media, 2011. — (Series: «Mediator’s library» in 2 books))
9. Аллахвердова, О. В. Методическое пособие для посредников-медиаторов/О. В. Аллахвердова, А. Д. Карпенко. — СПб., 2005. — 107 с. (Allakhverdova, O. V. methodological guide for mediators / O. V. Allakhverdova, A.D. Karpenko. — St. Petersburg, 2005. — 107 p.)
10. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-482-сон 03.07.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3805227> (Law of the Republic of Uzbekistan «On Mediation». №482. 03.07.2018 URL: <https://lex.uz/docs/3805227>)
11. Peters D. C. When Lawyers Move Their Lips: Attorney Truthfulness in Mediation and a Modest Proposal // J. of Dispute Resolution. 2007. № 119.
12. Buhring-Uhle Ch. Arbitration and Mediation in International Business. Alphen aan den Rijn, 1996.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Низоларни муқобил ҳал этишининг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. ПҚ-4754-сон 17.06.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4859436> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures for further improvement of alternative resolution of disputes №4754. 17.06.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4859436>)